

ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 158 (9.961)

2003 ЙИЛ 13 АВГУСТ

ПОЙТАХТНИНГ Дир Кўни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА

□ **ЭРТАГА** Чирчиқ шаҳрида жойлашган харбий қисмда сафарбарлик қақруви резерви хизматчилари учун ўтказиладиган «Мустақиллик йилларида армиямиз жасорати ва ундаги ислохотлар» мавзuida тадбирда «Мавнавият ва маърифат» марказининг Тошкент шаҳар бўлими вакиллари ҳам иштирок этишади.

□ **1997** йилдан бери пойтахтимизда фаолият кўрсатиб келаётган «UFUK KO LTD» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси «WERUS» савдо белгиси остида бир кунда 10 тоннага яқин 90 хил ассортиментда қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда.

□ **КЕЧА** Республика биржа марказида Ўзбекистоннинг янги сугурта компанияси «SUQURTA LIFE»нинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

□ **ШАХРИМИЗДА** фаолият кўрсатаётган «Мебель» акциядорлик жамиятига иш самарадорлигини ошириш мақсадида Германия ва Италиядан замонавий технологиялар келтирилди.

□ **«ГРАНД-Орзу»** меҳмонхонасида Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан уюштирилган семинар-тренинг ОИТС хасталиги кўпайишининг олдини олиш масаласига бағишланди.

□ **ШАЙХОНТОХУР** туманидаги 57-поликлиникада аҳоли саломатлигини яхши-лашнинг муҳим масалаларига бағишлаган ўтказилган тадбирда туман маҳаллалари фаоллари ва тиббиёт ходимлари иштирок этишди.

□ **ТОШКЕНТ** ҳайвонот боғига Болтиқбўйи мамлакатларидан олтига пекар ва икки турдаги кенгуру ҳайвонлари келтирилди. Богдаги англиклардан яна бири Африка шери иккитага кўпайди. Шунингдек, богда сувда сузувчи қушларнинг қадаси таъмирдан чиқарилиб ёзги павильонга иккита маймунхона ўрнатилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати
ва ўз мухбирларимиз
хабарларидан

Биздан келажак
авлодларга озод ва
обод Ватан қолсин.

Ислом КАРИМОВ


Ўртимиз фахридир
гузал бинолар,
Таърифига лолдир ҳатто
донолар.

Таърифига тил ожиз бинолар Тошкентимизда жуда кўп. Зеро гап улар ҳақида борар экан, сўз аввалини кутлуг даргоҳ Темурийлар тарихи Давлат музейидан бошлаш жоиз. Бугун бу бино Туронзамин учун абадийлик тимсолига айланган. Шовуллаб турган фавворалар ёнидан ўтиб бино ичкарасига киришингиз билан дастлаб кўзингиз девору шифтрларда ял-ял товланиб турган нақшларга тушади. Уларнинг нақадар сержилолигини кўриб ин-



• МУСТАҚИЛЛИК МЕВАЛАРИ

2. БИНОЛАР



сон қўли гул эканлигига яна бир бор тан берамиз.

Анхор соҳили яқинида «Туркистон» саройи қад ростлаганига анчагина бўлди. Унинг ёнида ёзги концерт зали жойлашган. Саройига кираверишда Хумо қўши қанотларини ростлаб кўкка парвоз қилмоқчидек бўлиб турибди. Ушбу манзарани кўрганимизда ҳар гал: «Хумо қўши — бахт қўши, у Туркистон бошига қўнди. Илоҳим, шундай буюк бахт ҳеч қачон тарқ этмасин бизни», деган фикр ўтаверди хаёлимиздан.

Бугун кайтадан қад ростлаган бозорлар ўзига ташриф буюрган ҳар қандай хорижликнинг диққатини тортади. Дарҳақиқат, шаҳримизнинг энг марказий қўча ва майдонларидан ўрин олган «Олой», «Эски Жува», «Қўйлик», «Паркент» сингари бозорларимиз ҳар қанча мактовга арзигulik.

Сўнгги йилларда шаҳримизда бунёд этилган бир қатор маданий- маиший бинолар ва ту-

рар жойларни кўриб ақлинг лол қолади. Наҳотки, қиска муддат ичида инсон қўли шундай улкан кашфиётларни яратишига улгура олган бўлса, деб ўйлайсан. Бугун шулар ҳақида ёза туриб замани зар, тупроғи олтин Ўзбекистонимизни чарқлаб турган бир бутун кўёнга ўхшатгимиз, унинг ҳудуди бўйлаб нияҳатда тез қад кўтараятган улкан биноларни эса мовий осмонимизда порлаб турган ёрқин юлдузларга қиёслагимиз келади. Республика Биржа маркази, Олий Мажлис биноси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги биноси, Миллий банк ва Марказий банк, Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Ўзбекистон Миллий академик драма театри бинолари ана шу юлдузларнинг энг чарогони сифатида пойтахтимиз ҳуснига ҳусн қўшиб турибди.

Бугун Мустақиллик йилларида шаҳримизда ишга туширилган лицей ва коллежларни санаб адоғига етиб бўлмас. Бугун

Эски шаҳарни кезган киши бир-бирдан тароватли турар жой бинолари, шарқона услубда қури-лаётган маданий-маиший мажмуаларни кўриб уларнинг лойиҳачиларию қўли гул қурувчилари хийматига тан беради.

Тошкентимиз мисли қўрилмаган даражада янгиланиб, яшариб бормоқда. Бугунги ҳурлик замонте нафақат қурилишлар, балки Мустақилликимизни ифода этувчи ўз қўшиғимиз билан ҳам ўз ўрнимизни топиб олдик. 70 йил давомида «Хур республикалар бузимиз иттифоқини» қўйлаб, рўшнолик кўрмадик. Энди Мустақиллик шарофати ила:

**Истиклол машъали,
тинчлик посбони,
Халқсевар, она юрт,
мангу бўл обод,
дея баралла қўлаётмиз.** Илоҳим қурган иншоотларимизнинг мустаҳкам пойдевори янглиғ қўшиғимиз ҳам абадий бўлсин.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

XXI сағоси

Барча мабаладарда олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

- Россия Федерациясининг Татаристон Республикаси Бош вазири Рустам Минниханов бошчилигидаги ҳукумат делегацияси кеча Ўзбекистонга келди. Делегация аъзолари «Ўзавтойўл» концерни, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзметасабзавотузумсанот-холдинг» компаниясида бўлиб амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилишди.
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.
- Қорақалпоғистон республикаси Жўкорги Кенгесида қишлоқ ҳўжалигида амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусан, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантиришга бағишланган йиғилиш ўтказилди.
- Кеча Хоразм вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда вилоятда фермер ҳўжалиklarини ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалалари кўриб чиқилди.
- Фарғона вилоятида мамлакатимиз Мустақиллиги байрами арафасида «Шу азиз Ватан — барчамизники» мавзuida фестивал бошланди. Ушбу анжуман ўн кун давом этади.
- Нарпай туманидаги Бобур номидаги ширкат ҳўжалигида «Икан Самарқанд» масъулияти чекланган жамият шаклида пахта ҳам ашёсини қайта ишлаб қалава ип тайёрлашга ихтисослашган Ўзбекистон-Қозғистон қўшма корхонаси ташкил этилди.
- Жиззах шаҳрининг энг гавжум кўчаларида, супермаркетларда «Ўзбекенгилсанот» давлат акциядорлик компаниясининг ихтисослаштирилган кўргазмалари ташкил этилмоқда.

Жаҳонда

- Либерия Президенти Чарльз Тейлор расман истеъфога чиқди. У ўз ваколатларини вице-президент Мозис Блахага топширди.
- АҚШ давлат котибининг ўринбосари Ричард Армистеджнинг хабар беришича, Шимолий Кореянинг ядро дастури бўйича олти тарафлама музокаралар Пекинда 27 августда бошланиши керак.
- Хитойда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти иштирокчи мамлакатлари ўртасида дастлабки антитеррор ўқув машқлари яқунланди.
- АҚШдаги Кливленд клиникасининг матбуот учун берган хабарномасида Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиевнинг саломатлиги яхшилангани айтилди.
- Лондон полицияси террорчилик ҳуружлари хавфи тўғайли кучайтирилган хизмат ҳолатига ўтказилди.
- «Ал-Қоида» террорчилик ташкилоти ўтган ҳафтада Индонезия пойтахти Жакартадаги «Marrriott» меҳмонхонасида амалга оширилган террорчилик ҳаракати учун жавобгарликни ўз зиммасига олди.

Ҳашар — элга ярашар

унда фаоллик кўрсатиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз

Мустақиллик байрами олдида бутун республикамиздаги каби пойтахтимизда ҳам ободонлаштириш ва тозаллик ойлиғи ўтмоқда. Унинг доирасида 16 август кўни умумхалқ ҳашарининг ўтказилиши байрамга тайёргарлик кўриш борасида энг асосий нуқта бўлиб қолади, зеро ҳашар азим Тошкентимизни

улуғ сана олдида пойтахт шаҳарга муносиб янада тоза ва кўркем қилиши шубҳасиз.

Ушбу олижаноб ишда аҳоли фаолигини таъминлаш учун нималарга эътибор қаратиш лозим? Кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда шу масала атрофлича муҳокама қилинди.

Тажриба шуни кўрсатадики, бундай тадбирларда маҳалла ҳар доим етакчи бўлган ва айни пайтда — Обод маҳалла йилида ҳам шундай бўлиб қолади. Азалдан маҳаллада истиқомат қилаётган ҳар бир инсоннинг шахсий ўрнаги, айниқса катта авлодга мансуб ота-оналаримизнинг ибрати кўпчилик орасида қаҳриққа айланиб, унинг натижаси ўлароқ умумий ҳаракат юзига келган.

(Давоми 2-бетда).

Хушxabарлар

АҚШда Ўзбекистон тақдироти

Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги элчихонасида мамлакатимизга бағишланган тақдирот маросими бўлиб ўтди. Унда АҚШ Конгрессининг Профессинал ходимлар ассоциацияси аъзолари — америкалик етакчи сенатор ва конгрессменлар аппаратлари, Конгресснинг асосий кўмиталарида юқори лавозимли шахслар, шунингдек, савдо, муҳофаза, меҳнат вазириликлари ва мамлакатнинг бошқа давлат муассасалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда ҳозир бўлганлар эътиборига давлатимиз тарихи, маданияти ва иқтисодиёти тўғрисида аудио ва видеома териаллар ҳавола этилди. Хусусан, меҳмонлар Ўзбекистонда демократик ўзгаришлар, сиёсий ва иқтисодий ислохотлар жараёни, диний эркинлик ва динлараро бағрикенглик соҳасидаги вазият билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Ўзбекистон-АҚШ икки томонлама муносабатларининг устувор йўналишларидан бири бўлиши — халқаро терроризмга қарши курашда ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Тақдирот анжумани иштирокчиларида мамлакатимизга ҳақиқий қизиқиш уйғотди.

— Мен Ўзбекистон элчихонасида ташкил этилган бундай тадбирда илк бор қатнашмоқдаман. Тақдирот кутилгандан ҳам афзал руҳда ўтиб, мазмунан ахборотга бой бўлди. Мени мамлакатингизнинг бой тарихи ва маданияти, унинг савдо-иқтисодий салоҳияти лол қилдириди. Ўзбекистоннинг минтақада асосий давлат эканлигидан ва АҚШ у билан ҳар томонлама муносабатларни ривожлантириш лозимлигидан қаноат ҳосил қилдим, — деди Конгресс қўйи палатаси Илм-фан кўмитаси маслаҳатчиси Марта Шастин.

Халқаро маданият фестивалида

Япония пойтахтидаги ушбу халқаро маданият фестивалида Ўзбекистон Республикаси кўргазмаси алоҳида муваффақият қозонди. Уч кун давом этган фестиваль чоғида диёримиз маданияти билан йигирма мингдан зиёд томошабинлар яқиндан танишишди.

Аҳамиятли томони шундаки, Ўзбекистон кўргазмаси республикамиз давлат Мустақиллигининг 12 йиллигига бағишланди. Бу воқеа ана шу улуг айём арафасидаги байрам тадбирлар мамлакатимиз чегарасидан чиқиб, жаҳоннинг бир қатор давлатларида ҳам бўлиб ўтаётганлигига ёрқин мисолдир.

Байрамнинг расмий очилиш маросимида фестивалда иштирок этётган барча хорижий дипломатик ваколатхоналар раҳбарлари, Токиодаги қатор давлат ва ноҳукумат ташкилотлари вакиллари, таъкили маданият ва жамоатчилик арбоблари ҳамда етакчи оммавий ахборот воситалари мухбирлари қатнашишди. Маросимда қайд этилганидек, ушбу фестивал бу гал ўзгача байрамона руҳда ташкил этилди.

Таъкидлаш ўринлики, йилда бир мартаба ўтказиладиган маъзур тадбир маҳаллий аҳоли учун ёз фаслидаги энг қизиқарли воқеалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам байрамга ташриф буюрганлар орасида етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган санъат ва маданият ихлосмандларини учратиш мумкин.

Фестивалда шунингдек, Польша, Миср ва Кения каби йигирмага яқин мамлакат вакиллари ўз маданиятларини намойиш этишди. Эътиборли томони шундаки, кўргазмага қўйилган турли миллат ва элгаларнинг аънаваний ҳунармандчилик асарлари ўзаро бир-бирдан фарқ қилсада, уларни умумий гоҳ — инсон ва табиат уйғунлиги бирлаштириб туради.

Дарвоқе, дунёнинг истаган мамлакатини олманг у ерда олдинг устозда кўллари билан яратилган ҳар қандай мўъжаз предметнинг олтин баробарида қадрлигини бежиз эмас. Негаки улар инсон меҳнати, қалб кўси ва пешона тери орқали юзага келади. Муҳими, маъзур асарлар ҳеч қачон бир-бирини тақрорламайди ҳам.

Ўзбекистонлик усталар томонидан яратилган ўзига хос ўймакорлик, сополчилик ва каштачилик каби қатор амалий санъат намуналари фестивалга ташриф буюрувчиларида жуда қатъ таъсирот уйғотди. Японияликлар серкүбш Ватанимизнинг ижодкор халқига хос юксак истеъдодга яна бир бор амин бўлишди.

Б. Алимов «Жаҳон» АА, Токио.

Ҳашар — элга ярашар унда фаоллик кўрсатиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳашарда каттаю-кичик — маҳалла номли ягона оиланинг барча аъзолари бирлашиб, нафақат ариқ-зовурлар тозаланган, кўчалар обод қилинган, балки катта боғлар ҳам барпо этилиб, гузарлар қурилган. Ҳаттоки маҳалла бу борада моддий жиҳатдан имконияти бўлмаган оилаларга уй ҳам қуриб бериш кунига эга бўлган.

Маҳалланинг бундай аънаналари бугун ҳам сақланиб қолган ва бу борада кўп мисоллар келтириш мумкин. Шу жумладан, бəҳор байрами олдиндан ўтказилган ҳашар ҳам бунга яққол далилдер. Унда миллиондан зиёд шаҳар аҳолиси иштирок этди. Маҳаллалар қаторида шунингдек аксарият

корхона ва ташкилотлар ҳам умумхалқ ҳаракатига ўз салмоқли ҳиссасини қўшиб, ҳашардан тушган маблағларни «Маҳалла» жамғармаси туман бўлимлари ҳисобига ўтказди. Ушбу маблағлар эвазига бугунги кунда кўпчилик маҳаллаларнинг моддий негизи анча кучайиб, мавзелар, кўчалар, уйлар янада ободонлаштирилди ва таъмирланди, бир неча километр асфальт йўллар, ариқлар янгиланди.

16 август куни ўтказилиши режалаштирилган ҳашар ҳам юқорида таъкидланганидек, ободонлаштириш ва тозалик ойлғи тадбирлари орасида катта аҳамиятга эга бўлиб қолиши лозим. Шу боисдан бўлиб ўтган йиғилишда туман ҳокимликлари, шаҳар тузилмалари вакиллари

жойларда олиб борилаётган тайёргарлик жараёни хусусида тўхталишиб, ҳашарда қанча корхона ва ташкилотлар иштирок этиши, бу борада туман ободончилик хизматлари, «Махсустрас» томонидан режалаштирилган ишлар, қайси жойларга жиддий эътибор берилиши юзасидан ахборотлар беришди. Шу билан бирга йиғилишда оммавий ахборот воситалари томонидан ободончилик ойлғининг бориши, ҳашарга тайёргарлик кўриш ва ўтказилиши кенг тарғиб қилиш мақсадга мувофиқлиги таъкидлаб ўтилди.

Шундай қилиб, яна уч кундан сўнг энг улуг ва энг азиз Мустақиллик байрами олдиндан умумхалқ ҳашари ўтказилди. Унда иштирокчиларнинг сафи қанчалик кенг бўлса, пойтахтимиз кўрки янада очилиб, гўзаллашади. Шунки ҳам унутмайликки, пойтахт кўрки — бу мамлакатимиз, Ватанимиз хуснидир.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

• ҚўШМА КОРХОНАЛАРДА

Изланиш — истиқбол даракчиси


Бəбахо неъмат саналиш суви бежизга зарга қўёс этмаймиз. Негаки оби ҳаёт деб аталган сув чиндан ҳам борлигимиз, ҳаётимиз манбаларидан энг кераклиги ҳисобланади. Шу боисдан ҳам уни авайлаб-асраш, тежаб-тергаш, исрофгарчилигига йўл қўймасликка кейинги йилларда катта эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада хонадонларга ўрнатилаётган сув ҳисоблаш анжомларининг ўрни алоҳида бўлиб, энг муҳими эса уларни мамлакатимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилгандир.



Ҳозирда ана шу мақсадда жаммаидада 18 та пайвандчи бригадалар ташкил этилган бўлиб, ўрнатиш ишларини сифатли бажараётган пайвандчи ва чилангарларимиз махсус тайёргарликдан ўтган. Узимиз ўрнатишмизнинг яна бир томони ҳақида тўхталадиган бўлсак, харидорга сотаётган ҳисоблагичларимизнинг қафолат муддати бир йил бўлса, ўрнатганимизга 4 йил қафолат муддати белгиланган. Уш жойнинг ўзида қўшимча тўлов ва оворагарчиликсиз ҳисоблагич ишлаш бошлайди. Шунингдек, ҳар икки йилда ҳисоблагичлар ечиб олиниб, корхонада кўриқдан ўтказилиши лозим. Биз яна шунга назарда тутганимизки ана шундай пайтда бригада аъзолари ечилган ҳисоблагич ўрнига дарҳол янги — кўриқдан ўтганини ўрнатиб беради. Бу билан ҳам маблағ, ҳам вақт тежалайди, истеъмолчи учун ҳам фойдали бўлади. Тўғри, истеъмолчи ҳисоблагичларга йўл кўчмакани йўқ, лекин унинг фойдасини сезгач эса, албатта, мамнун бўлади.

Шуни таъкидлаш ўринлики, корхонада ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. 2000 йилда 12 мингта сув ҳисоблагич ишлаб чиқарилган бўлса, ўтган йилда ушбу рақам салкам икки бараварга ортди. Жорий йилининг ўтган етти ойида 18 мингта ускуна ишлаб чиқарилиб, шундан 15 мингта

си корхона бригадалари томонидан ўрнатиб берилди. Йил охиригача эса 40 мингта сув ҳисоблагич чиқариш режаланган. Бунинг учун эса кадрлар малакасини бутловчи қисмлар етарли. Фақат улардан оқилона фойдаланиш лозим. Энг асосийси эса ҳисоблагичларнинг айрим бутловчи қисмлари ҳозирда ўзимизда тайёрланаётгандир.



Айни пайтда ҳисоблагичлар 40 фоиздан зиёд маҳаллий бутловчи қисмлар эвазига йиғилмоқда. Бунинг учун пойтахтимиздаги «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат ҳиссадорлик жамияти, «Ўзқишлоқмаш» корхоналари билан муштаҳам алоқа ўрнатилган. Шунингдек, бутловчи қисмлар Германияга ҳам экспорт қилинмоқда. 2003 йилда 70 минг долларлик ана шундай бутловчи қисмлар экспорт қилиниши режаланган бўлса, бу курсаткини келгусида 500 минг долларга етказиш мўъжжаланган. Корхонада амалга оширили-

ши кўзланган режалар кўп. Шунлардан бири газ ҳисоблагичлар ишлаб чиқаришдир. Жорий йилда 50 мингта газ ҳисоблагичлар тайёрлашга муваффақ бўлинди. Лекин айрим муаммолар турфайди. Ҳозирда бу иш тўхтаб турибди. Муаммолар ечимини оқилона ҳал этишга савъ-ҳаракат қилинмоқда. Шунингдек, электр энергияси учун ҳисоблагичларнинг рақобатбардosh турларини тайёрлаш ҳам мақсад қилиб қўйилган.

Ҳозирда корхона маҳсулотларига харидорлар сафи кенгайиб бормоқда. Уларга нафақат пойтахтимиздан, балки мамлакатимизнинг турли вилоятларидан ҳам буюртмалар тушмоқда. Энг асосийси, бу ерда тайёрланаётган маҳсулот тежамкорликка, сарфига яраша ҳақ тўлашга катта ҳисса бўлмоқда. «TOSHKENT-ZENNER»-да малакали мутахассислар тайёрлаётган ускуналар иссиқлик энергияси, иссиқ ва совуқ сув исрофгарчилигининг олдини олиш билан бирга корхона, ташкилот, муассаса ва оилалар бюджетни тежалишида муҳим ўрин тутаётганини бугунги кунда барча эътироф этаётгани унинг истиқболдан дарақдир.

Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТЛАРДА: йиғувчилар
Ҳабибулла Жўраев ҳамда Даврон Шарафутдиновлар; йиғув цехида иш қизғин; корхона маҳсулотли.

Сергей Любич олган суратлар.

Сран

ЯНГИ ҚУРИЛМА

Ўзбекистон Фанлар академиясининг электроника илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан амалга оширилаётган йирик илмий изланишларнинг кўни ихтиро сифатида ижобий баҳоланмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг институти Расулов бошчилигида олиб борилган тадқиқот ҳам самарали бўлди.

Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги буюртмаси билан бажарилган бу иш асосида мураккаб қурилма юзга келди.

Гибванд моддаларни қайд этувчи ҳамда ёнгиндан оғоҳлантирувчи ва юқори сезирликка эга бўлган мазкур қурилма сирт-ионизацион индикатор намунаси сифатида қўлланилади.

Ушбу ихтирони санаят асосида қўллаб ишлаб чиқариш тадбирлари кўрилди.

САМАРАЛИ ИЗЛАНИШ

Пахтачиликни комплекс механизациялаш йўлида амалга оширилаётган илмий-техникавий жараёнлар ижобий натижалар билан яқунланмоқда. Буни пахта териш машиналарининг янги нусхалари яратилиши жараёни мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги илмий-техшириш институтида олиб борилаётган изланишлар натижасида горизонтал шпинделли пахта териш аппаратлари намунаси тайёрланди.

Ушбу агрегатни пахтачиликка татбиқ этиш мақсадида институт қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари билан ҳамкорлик ўрнатди.

РАНГЛАР ЖИЛОСИ ВА КАЙФИЯТ

Киши руҳиятининг доим яхши бўлишига нима етсин! Бундай аъло кайфиятни таъминлашда ранглар ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Тошкент Давлат педагогика университетининг профессори, халқ амалий устачилик санъатининг билимдони Саидахбор Булатов ана шу жараёнларни атрофлича ўрганиб, йирик тадқиқотни амалга оширди.

«Ранглар психологияси» деб номланган бу йирик илмий изланишда халқ хўжалигининг турли соҳаларида акс этган ранглар жилосининг киши руҳиятига турлича таъсир этиши ёритилган. Тиббиётда ранглар воситасида муолажалар олиб боришнинг психологик аҳамиятига доир фикрлар ҳам қизиқарли баён этилган.

«Ранглар психологияси» китоб ҳолида чоп этилиб, кенг омалаштирилди.

Ақбар АЛИЕВ

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз!

Хурлик кулганига, Озодлик бўлганига, қаранг, ўн икки йил, ҳа ўн икки йил тўлапти. Кўнгил тўлганига нима етсин. Жоним ўргилиб кетсин, оҳ-оҳ, қувончларим қанотини ёзаётир, ишончларим ҳам...

Шодлигим кўнглимга сиймай оппоқ қоғозга қушдай кўнишни истаётир, яхшиларни излаётир, қайдасиз дегандай. Бу ўн икки йил ичида, бол бордай тилим учиди.

Она ўлкам, эй, ўзимнинг жонажон ўлкагимам, аввало сени ва фарзандларингни ўн иккинчи байрам билан кутлайман, дилбандинг бўлиб, кулиб-кулиб, минг бора шавқ-у завққа тўлиб, кенгликларга боқаман, хаёл оғушида оқаман тинмайин, еллар майин-майин силайди юзларимни, ул-да эшитмоқчидай сўзларимни.

Ўтмишда қийналганларингни, машаққатда чийланганларингни эслайман. Алам-андуҳлар ўтдилар тушдай, энди енгил тортдинг қушдай.

Ўн икки гулинг очилгандай. Сенга ҳавас қилганлар етсин муродига. Ҳасад қилганлар ўз-ўзидан йитсин, ҳеч ким кулоқ солмасин фарёдига. Олам сенга оғоҳ қараётир. Ҳатто Америка ҳам, Осиё, шунингдек Европалар-да. Биз мустақилмиз, ҳеч кимдан эмасмиз кам, ташлайверамиз шахдам қадам, ема-гаймиз ғам.

Ўн икки яшарлик ўлкагимам, яхшилардан ўрнак, сахий-лардан олавер кўмак, бу тараққийнинг учун керакдан керак.

Сен Ҳизр назар қилган она тупроғимсан, кўзим қароғимсан. Сен маним онамдирсан, ягона-намдирсан ва биттадирсан, дунёдай каттадирсан наздимда-назаримда.

Мангу юртимсан, Обрўй-бурдимсан.

Эй, меҳрибон ўлкам, руҳсат берсанг, ўн иккига тўлган икки фарзандинг билан сўхбатлашсам. Жим қолганинг аломати ризо дейдилар гўё.

Икки фарзандинг — бири қизалоқ, бири ўғлон. Улар сен тўғилган кунда — истиқлол кунлари нур йўғрилган кунда таваллуд топишган. Сенинг тенгдошинг, ёши бирлан тенг ёшинг.

Хурриятхон, қизим, тўғилган кунинг муборак бўлсин, уйингга гул тўлсин, бахтинг-тахтинг кулсин ҳамиша. Омон бўлсин бошинг, ошаверсин ёшинг. Нон-у ошинг ҳалол бўлсин, бол бўлсин. Исиминг жисминга мос бўлиб, юравер ўйнаб-кулиб. Ниятларим сенга бир олам, таърифимга етармикан қоғоз-у қалам, бешинчини битирибсан, олтинчига ташлабсан қадам. Биламан ҳунар-билимга чанқоқсан, лола ёноқсан, бувиси ва ойисига тортган қизалоқсан, бахти порлоқсан, чинакам Хур ниятли Хурриятсан!

Энди-чи, эй, озод ўлкам, /тагин мақтанаяпти демагил/ бундан эллик беш йил муқаддам "Озод ўлкам, обод ўлкам" деган шеър ёзгандим: "Озод ўлкам, обод ўлкам. Ўзбекистон-Ўзбекистон" деб. Бу мисраларим ижро бўлганига ҳам, чинакам кулганига ҳам ўн икки йил бўлганди, кўнглим тўлганди. Рухсатинг билан Озоджон деган ўғлонингга дилимни очмоқчиман, завқим гулларидан бошидан сочмоқчиман.

— Озоджон, исминг менга илҳом берди, наинки илҳом, ором ҳам берди. Сен-да Истиқлол тўғилган кунда тўғилганларнинг бирисан. Бахт-у иқбол тенгдошисан.

Озоджон, халқимизда Ўн икки сўзининг чўнг ва ўнг маънолари бор. Қарагин, Йил бобонинг ҳам ўн икки фарзанди бор, — ўн икки ой, нақадар ҳикматга бой хойнахой.

Яна бир гап, инсоннинг умри мучал билан яъни ўн икки йил билан ўлчанадир.

Эй, она ўлкам, сенинг-да, фарзандларингни-да Мучал тўйи билан кутлайман, муборакбод этадирман, яйраб кетадирман.

Пўлат Мўмин,
Ўзбекистон халқ шоири

ИСТИҚЛОЛ НИҲОЛЛАРИ

(Сочма)

га етишига, истиқлол берган гога содиқ бўлишларини истади, уларга соғлиқ тилайди, вақти-чоғлиқ излайди, ноҳўя ишларидан қуйнади, яхшиликларидан суғунади. Хар бир ниҳол бўлсин дейди баркамол ва ҳалол.

Бўғбон эккан ниҳолга меҳр-у парварош керак, соф юрак керак. Нур шимирсин ниҳоллар, гуркираб ўссин, бири-биридан ўзсин. Гуллар очсин, уфорино сочиш кенг атрофга, кулиб қарасин гули бирла офтобга. Ширин-шакар меваси, уларнинг жилваси тотли нақадар.

Мен-да улар — ниҳоллар — хизматидаман, кези келса иззатида. Иззатида бермоқлик жавоб — савобдан савоб дерлар устозлар. Улар ҳақида ёзим келаверади, дилимни ёзгим келаверади, яйрайман, қайнайман, авайлайман, бор иктидоримни сарф айлайман. Уларни бошимга кўтарсам, кўтарсам кўкдаги арзир қўёшимга.

Истиқлол ниҳолларим, Эй, тиллари болларим.

Хуррият, озодликка Бахтимга мисолларим.

Гард юқмасин дегайман, Сиздадир хаёлларим.

Ҳамма ерда, ҳар қачон Покиза — ҳалолларим.

Дил осмоним ёритган Юлдузим — ҳиллоларим.

Омон бўлинг ҳамиша Истиқлол ниҳолларим!

ЮРТ ОБОДЛИГИ МАҲАЛЛАДАН БОШЛанаДИ

«Иброҳим-Маъруф» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Маъруф Оқсодов ишдан қайтганда уйдагилар уни маҳалла оқсоқоли Абдулқайимдан ота йўқлатганини айтишди.

Маъруф ака оқсоқолини эндигина қурилиб, деразалар ўрнатилган, сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилаётган маҳалла маиший хизмат мажмуи олдига қурувчилар билан сўхбатлашиб турган чоғда учратди.

— Ўғлим, сен каттагина ойна цехининг раҳбарисан, — деди оқсоқол салом-алиқдан сўнг. — Бинобарин маҳалламизда ойнанинг фарғига сендан кўра яхшироқ борадиган одам йўқ. Бу ерга қандай қалинликдаги ойна кўйган маъқул, маслаҳат берсанг, дедим.

— Бу ерга 10 квадрат метр ойна етарли. Шуниси менинг ҳисобимдан бўла қолсин. Яна қандай хизмат бор?

Пойтахтимизнинг Олим Хўжаев маҳалласида маиший хизмат кўрсатиш мажмуи шу тахлит қуриб битказилди. Қурилиш материаллари маҳаллада истикомат қилувчи тадбиркорлар ҳиммати билан келтирилди, ҳашар йўли билан тикланди. Бу ерда истиқлолимизнинг 12 йиллиги арафасида маҳалла сартарошонаси, устасона ва тиббий хизмат хоналари очилди.

Айни вақтда маҳаллада болалар спортини омалаштириш, ёлғиз қарияларга ҳар томонлама кўмак бериш, тўю маъракаларни ихчам ва мазмунли ўтказишга алоҳида эътибор берилди.

— Маҳалла ободлиги нафақат саранжом-саришталик, озодагарчилик билан, балки одамларнинг юксак маънавияти, бунёдкорлиги, тўқис турмуши билан ҳам белгиланади, — дейди маҳалла оқсоқоли А.Нажмидинов. — Шу боис маҳалламиз кўчалари ўртасида ўтказилаётган «Энг обод кўча» танловида бу жиҳатларга ҳам катта эътибор қаратилмиш. Зеро, юрт ободлиги кўчаю маҳаллалар ободлигидан бошланади.

(Ўза)



Мирзо Улугбек туманида жойлашган «SOS» болалар маҳалласи ҳақида кўп бор эшитганмиз, албатта. Бу маҳаллада истикомат қилаётган болалар учун ҳамма шарт-шароитлар муҳайё этилган. Болалар ёзги таътилда бўш вақтларини мазмунли ва самарали ўтказишмоқда, улар бу ердаги мавжуд кутубхонада ўзлари ёқтирган китобларни олиб ўқийдилар, спорт билан шуғулланадилар ва турли хил тўғрақларга қатнашадилар.

СУРАТЛАРДА: «SOS» болалар маҳалласи ҳаётидан лавҳалар.



Алексей Попов олган суратлар.

Тошкент азал-азалдан ёшлар ва талабалар шахри бўлиб келган. Мамлакатимизнинг турли вилоятларидан юз минглаб йигит-қизлар пойтахтга ўқиш ё ишлаш учун келишади ва шу билан шаҳар аҳолисининг таркиби ёшариб бораверади.

Ҳозирги кунда шаҳарнинг 315 та мактаб, 32 та лицей, 90 та коллежларида 400 мингдан ортиқ болалар ва ўсмирлар ўқишмоқда. 5 та университет ва 23 та институтларда 70 мингдан ортиқ ёшлар тахсил олишмоқда.

Бундан ташқари яна юз минглаб ёшлар иш топиш, меҳнат қилиш умиди ёки савдо-сотиқ, тадбиркорлик ишлари муносабати билан шаҳарга кириб келадилар.

Шундай экан, юртимиз ёшларининг қаймоғи йиғилган ва жадал суръатда ривожланаётган бу шаҳарда «Камолот» ЁИХнинг фаолияти бугунги талабга жавоб бера оладими? Шу каби саволларга жавоб олиш мақсадида «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши раиси ўринбосари Мурод МАЖИДОВга мурожаат қилдик. Унинг маълумотларига кўра, бугунги кунда «Камолот» ЁИХнинг Тошкент шаҳар бўлимидаги 852 та бошланғич ташкилот таркибига пойтахт ёшларининг 43 фоизини ташкил этувчи 223750 нафар ёшлар бирлашган.

• ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

ТОМ МАЪНОДА СУЯНЧ БЎЛАМИЗ

— Бундан икки йил аввал Президентимиз саяёҳаракатлари билан, — дейди Мурод Мажидов, — «Камолот» — ёшлар ижтимоий ҳаракати сифатида қайта ташкил этилди ва унинг фаолияти тубдан ўзгарди. Харакат ёшларни юртимиз равақли йўлида бириктириш, уларда эртанги кунга умид ва ишонч йўғотиш ҳамда ёш қалбларда ватанпарварлик, фидойилик ва инсонпарварлик туйғуларини камол топтириш учун кенг кўламли ишларни амалга оширди. Биз ҳар бир ёш юракка кириб боришни мақсад қилиб, қаерда ўқиши ё ишлаши, ким бўлишидан қатъи назар қўллаб ёшларни ўз сафимизга бириктирдик, ҳулиқ оғир, турли оқимларга кириб кетган ёки ногирон, кўнгли ўқсиз болаларни четлаб ўтмадик ва бошқаларга ҳам уларни ажратиб қўйишга йўл қўймадик. Бу бизнинг биринчи ютуғимиз бўлса, иккинчи ютуғимиз шундаки, ёшлар атрофидаги жамиятдаги мавжуд муаммоларга лоқайдлик, бепасандликни йўқотиб, уларга нисбатан муштарак фикр ва шахсий муносабатни шакллантириш билан уларнинг интилиш, ҳаракат қилиш, ўз кучига ишониларига эришдик. Учинчидан эса, юртимизда фаолият юритаётган барча муассаса ва корхоналарни ёшларни қўллаб-қувватлаш йўлида ҳамкорликка жалб қилдик.

Охириги икки йил ичида «Камолот»га нисбатан пойтахтлик ёшларнинг фикри ўзгариб, унинг ёшлар ташкилоти сифатида обрўси сезиларли даражада ошди. Бунда Тошкент шаҳри миқёсида кенг ўтказилган тадбирларнинг сифатли ва ёшларбоғлиги, ҳаракатда ишлаётган кадрларни танлаш тўғриси йўлга қўйилгани, ёшлар билан ишлаш халқаро тажрибага асосланиб ташкил этилгани, турли идорат ташкилотлар билан кенг ҳамкорлик ўрнатилганини асосий сабаб сифатида келтириш мумкин. Янги йил карнавали, «Умид юлдузлари», «Зуқко—авлод», «Истиклол умидлари» каби фестиваллар, турли кўрик-танлов ва мусобақалар, илмий-амалий семинар-конференциялар, спорт беллашувлари, хайрия ва ҳаширлар, кенг жамоатчилик ишлари орқали қизиқиш, дунёқараш ва ижтимоий келиб чиқиши ҳар хил ёшларни бириктириш имкониятига эришдик.

«Камолот» ЁИХнинг Тошкент шаҳар бўлимининг энг фаол тизими 7 ёшдан 14 ёшгача ўсмирларни жалб этувчи «Камалак» болалар ташкилоти ҳисобланади. У ёш болаларда жамоатчилик ишларига кўникма ҳосил қилиш, кенг ижтимоий фикрлай олиш, ташаббускорлик, ташкилотчилик ва етакчилик ҳислатларини шакллантириш учун жуда муҳим ташкилот сифатида юзага келди.

Бундан бир йил аввал ҳаракатнинг Тошкент шаҳар бўлими ва «Ёшлар» телеканали муассислигида «Бунёдкор» ёшлар телеклуби ташкил этилди. Ҳозирда телеклубнинг 200 дан ортиқ доимий аъзоси ва 500 дан зиёд катнашчилари мавжуд. Телеклуб қошида «Халқаро тахлил», «Иқтисодиёт», «Журналистика», «Снэсат» каби гуруҳлар очилган бўлиб, аъзоларнинг фаолияти оммавий ахборот воситаларида ёритилиб боради. Шунингдек, мунтазам равишда ёшлар иштирокида «Бунёдкор» ва «Фикр» бахс-таҳлилий кўрсатувлари тайёрланади.

«Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими ҳақида яна узок гапирish мумкин. Бироқ шу ўринда камчилик ва муаммолар ҳусусида ҳам тўхталиб ўтиш ўринлидир. Шу ерда эътиборни бир маълумот тортади. Пойтахтлик аъзоларнинг 94,8 фоизини олий, ўрта махсус ўқув юрлари ва мактабда таълим олувчилар ташкил этса, 5,2 фоизига турли корхона ва ташкилотларда

меҳнат қилувчилардан иборат экан. Савол туғилади, Тошкентда корхоналарда ишловчи ёки ҳеч қаерда ўқимайдиган, ишлаймидиган ёшлар ҳам оз эмас, хўш уларни ҳам жалб қилиш учун нима ишлар қилинапти?

— Шунга айтиб ўтиш лозимки, ишлайдиган ёшларга нисбатан ўқийдиган ёшларда ижтимоий бириктириш руҳияти кучли бўлади. Маълум корхона ё идораларда ишловчи ёшларни жалб қилиш жуда қийин масала. Бироқ бугунги кунда шаҳримиздаги жами корхона-ташкilotларнинг 56,3 фоизда бошланғич ташкилотлар тузилган. Бундан ташқари, ўқиш ё иш билан банд бўлмаган ёки уйда, маҳаллада ҳамда бозорда тирикчилик қилаётган ёшларимиз ҳам бор. Уларга йўл топиш учун Тошкент шаҳридаги 449 маҳаллаларнинг барчасида ёшлар билан ишлаш комиссиялари ташкил этилган. Шаҳар ҳокимлигининг тақлифига биноан бу комиссия раисларига маҳалла оқсоқоли ўринбосари мақоми берилди. Тўғриси-ни айтганда, уларнинг фаолияти ҳали талабга жавоб бераётгани йўқ.

— Тошкент шаҳрида «Камолот»нинг фаолияти кенг қамровда амалга ошаётгани — бу шубҳасиз. Бироқ, бу ҳаракат бошқа ёшлар ташкилотлари билан рақобат қила оладими? Бизга маълумки, айнан Тошкент шаҳрида турли халқаро жамғармалар ва хорижий ташкилотлар томонидан очилган ёшлар марказлари ва кутубхона шаклидаги клублар жуда кўп.

— Биринчидан ҳеч қайси ташкилот «Камолот»чалик ҳар бир ўқув даргоҳи, ҳар бир идорага кириб бормаган. Иккинчидан, у ташкилотлар тақлиф этган имкониятларнинг барчаси бизда ҳам мавжуд. Биз ёшларимизнинг ҳеч қандам кам бўлмаган, илғор фикрли, замонавий бўлишлари билан эл-юртини жондан ортиқ севишларини, унинг олдида бурч ва масъулиятларини ҳис қилишларини истаймиз.

— Ёшлар ва болалар орасида спортни ривожлантириш ва тарғиб қилишда жамоат ташкилотларининг ўрни беқийёс. Шундай экан, «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими пойтахтлик ёшлар учун қандай имкониятларни яратмоқда?

— Маълумки, Президентимиз саяёҳаракатлари билан юртимизда спортни оммавийлаштириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Менимча, энг катта масъулият «Камолот»га ҳам юкланган. Шунинг учун биз ҳам шаҳар миқёсида спортни ривожлантириш ва оммавийлаштириш учун бор имкониятимиз ва кучимизни сарфламоқдамиз. Шаҳар кенгаши қошида «Спорт машинаси» ва «Кўчма оммавий спорт гуруҳи»ни ташкил этганмиз. Ҳар бир туман қатъий жадал асосида ҳар бир маҳаллага спорт ўйинларини уюштириш учун барча спорт анжомлари билан таъминланган «Спорт машинаси» ва болалар билан ўйин ташкил этувчи гуруҳ юборилади, шунингдек, спорт майдонлари ёки задалар ҳам тайёрлаб қўйилади. Маҳаллаларда бундай спорт ўйинларини ташкил қилишдан асосий мақсадимиз — болаларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиб, уларда маълум спорт турларида меҳр йўғотишдир.

— «Камолот» ЁИХ ёшлар учун қандай ташкилот бўлишига интилади — ҳимояловчи, ё рағбатлантирувчи, ё йўл-йўриқ кўрсатувчиси?

— «Камолот» ёшларнинг ҳақиқий таянчи ва суянчига айланишига интилоқда ва шу йўлда катта саяёҳаракатларни олиб бормоқда.

Шаҳноза ХАЙДОРОВА, «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими матбуот котиби.

• ТАНЛОВЛАР

Ғолиблар тақдирланди

Тошкент шаҳар ИИББ, «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими, шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг қўшма қарорига асосан туман маҳаллаларида фаолият кўрсатаётган «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаларининг сардор ва посбонлари, педагог-тарбиячилари ўртасида «Энг яхши «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси», «Энг яхши «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси» сардори ва «Энг яхши педагог-тарбиячи» кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Кўрик-танловнинг шаҳар босқичида 3 та йўналиш бўйича ғолиблар аниқланди. Биринчи йўналиш — «Энг яхши «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси» бўйича 1-ўрин Мирзо Улуғбек туманидаги «Гулистон» маҳалласи сардори Н. Намозова, 2-ўрин Шайхонтоҳур туманидаги «Гулобод» маҳалласи сардори В. Султоновага, 3-ўрин Яққасарой туманидаги Абдулла Қаҳҳор маҳалласи сардори А.

Малинина ва Бектемир туманидаги «Обод» маҳалласи сардори В. Қориева насиб этди. «Энг яхши «Маҳалла посбони» жамоат тузилмасининг сардори» йўналиши бўйича 1-ўринга Сергели туманидаги «Оқибат» маҳалласи сардори А. Аҳмадалиев, 2-ўринга Собир Раҳимов туманидаги «Хофиз Кўҳакий маҳалласи сардори Р. Пардаевлар муносиб деб топилди.

3-ўринни Акмал Икромов туманидаги «Богистон» маҳалласи сардори М. Эрматов ва Ҳамза туманидаги Мирзо Улуғбек маҳалласи сардори Т. Холмуродовлар эгалладилар.

«Энг яхши педагог-тарбиячи» йўналиши бўйича эса 1-ўринга А. Икромов туманидаги «Оқтепа» маҳалласи педагог-тарбиячиси Т. Якубов, 2-ўринга Юнусобод туманидаги «Ўзбекистон Мустақиллиги» маҳалласи педагог-тарбиячиси М. Ҳақимова, 3-ўринга Ҳамза туманидаги «Тарновбоши» маҳалласи педагог-тарбиячиси М. Назарова ва Собир Раҳимов туманидаги «Табассум» маҳалласи педагог-тарбиячиси Н. Абзатовалар лойиқ деб топилди.

Ғолибларга Фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари топширилди.

Адибахон ҒАЙРАТ қизи

КАМОЛОТ



Илму фан сирларини чуқур эгаллаб, келажакка тийрак нигоҳ билан боқаятган гўзал ва лобар қизларимиз эртага буюк момоларимиз Зебуниссою Барчинолар издошлари бўлсалар ажаб эмас.

• ТАШАББУС

Соғлом авлод — юрт келажаги

Фарзандларимизнинг соғлом ва бақувват бўлиб вояга етишлари, хусусан болалар спортини ривожлантириш йўлида шаҳримиз туманларида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Хуеусан, Юнусобод туманида олиб борилаётган ишларга кўз ташлаб ибратта молик ўзгаришларни кўриш мумкин.

Туманда 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар соғим 52760 та, шулардан 14447 нафари мунтазам спорт билан шуғулланади. 24170 нафари вақти-вақти билан спортга жалб этилган, 12400 нафар болалар эса турли тўғарақларга қатнайдилар.

Шундан келиб чиққан ҳолда туман ҳокимлиги томонидан 7 миллион сўмлик турли спорт анжомлари 41 та мактаб, 67 та мактабгача тарбия муассасаларига улар қошидаги спорт майдонлари, тўғарақлар ишини яхши йўлга қўйиш учун тарқатилди. Булардан ташқари тумандаги 10 та мактаб қошида спортнинг турли йўналишлари бўйича спорт базасини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Тумандаги 2 та стадион, 52 та спорт зали, 101 та спорт майдончалари, 7 та сув ҳавзаси, 18 та теннис корти таъмирланиб, спорт анжомлари билан таъминланди. Энг эътиборлиси, уй-жой мулкдорлари ширкатлари қошида спорт-мурабийий ходими иш бошлади. Спорт-мурабийийнинг вазифаси шундан иборатки, кўп қаватли уйларда яшовчи вояга етмаган ўсмирларнинг бўш вақтининг турли йўналишлари, ҳар бир ўсмирнинг иқтидори, истеъдоди, спортнинг қайси бир турига қизиқшини аниқлаш, уларни спортга бўлган қизиқшини янада орттиришга хизмат қилади.

Туман ҳокимининг ташаббуси билан болалар спортини ривожлантириш, вояга етмаган ўсмирларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари йўлида бошланган хайри иш

албатта ўзининг яхши натижаларини беришига ишонамиз. Чунки тумандаги ҳар бир оиланинг моддий аҳволи ҳисобга олинб, камҳарж оилаларнинг фарзандларига имтиёзлар, ёрдамга муҳтожларга эса бепул қатнаш имкони яратилгани ишнинг муваффақиятини таъминлайди.

Ташаббуснинг қаноти бўлади, дейдилар. Уйлаймизки, келажакимиз эгалари бўлиши фарзандларимизнинг соғлом ва жисмонан бақувват бўлиб вояга етишлари йўлидаги хайрли ҳар бир қадам бошқа туманларда ҳам ўз акс-содосини берди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши билан Озарбайжон Республикаси Ёшлар, спорт ва туризм вазирлиги ўртасида имзоланган ҳамкорлик шартномасига асосан беш кишидан иборат Ўзбекистон ёшлари делегацияси яқинда Озарбайжон Республикасида хизмат сафарига бўлиб қайтишди.



• ЮРГАН — ДАРЁ

Ёшлар Озарбайжонда учрашди

Делегация таркиби Марказий Кенгаш бўлим мудири Тўхтасин Арслонов, ҳаракатнинг Тошкент шаҳар бўлими вакиллари Гулнур Қазахова, Сардор Маҳкамов, Тахмина Атаханова ҳамда «Марказий Осиё ва Кавказ» — қадимги цивилизация бешиги» мавзусида ўтказилган фотокурсага иштирокчи бўлиб Шайхноза Шукуровалардан иборат эди. «Янги Озарбайжон» ёшлар оромгоҳида 85 нафар озарбайжонлик ёшлардан ташқари, Россия, Украина, Бангладеш Республикаларидан келган ёшлар делегациялари ҳам иштирок этишди.

Сафарнинг биринчи кунини оромгоҳда делегация аъзоларини таништириш маросими бўлиб ўтди. Делегация раҳбари Т. Арслонов йиғилганларга Ўзбекистон Республикаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳақида маълумот берди. Иштирокчилар билан юртимиз ҳақида савол-жавоблар ўтказилди, делегациялар

билан ўзаро совғалар алмашилди. Иккинчи кун эса Ўзбекистоннинг тақдирот маросими уюштирилди. Унда Ўзбекистоннинг тарихи, санъати, қишлоқ ҳўжалиги, маданияти, ёшлар ташкилотлари фаолиятлари тўғрисида атрофича маълумот берилди. Тахмина Атаханова ва Сардор Маҳкамовлар ижросида янграган ўзбек миллий қўшиқ ва рақслари барчага манзур бўлди. Кечқурун иштирокчилар учун Ўзбекистон делегацияси номидан қабул маросими уюштирилиб, миллий таом — ош тортилди.

Делегация аъзолари оромгоҳда ўтказилаётган тадбирларда иштирок этдилар. Боку шаҳрининг диққатга сазовор жойларига зиёрат уюштирилди. Зиёрат сўнггида Озарбайжон Республикаси Ёшлар, спорт ва туризм вазирли-

гининг Боку шаҳар Бош бошқармасида учрашув бўлиб ўтди. Шаҳарнинг «Карвонсарой» номи кўرғазма залда «Марказий Осиё ва Кавказ» — қадимги цивилизация бешиги» мавзусида фотокурсага Озарбайжон Республикасининг марказий ва хусусий телеканаллари, «Зеркало», «Она Озарбайжон» газеталари орқали кенг ёритилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг Озарбайжондаги элчисини ҳам иштирок этди.

Сафар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати делегациясини кузатишга бағишланган театрлаштирилган тадбир билан якунланди.

Хушроҳ НАЗАРОВА СУРАТДА: Ўзбекистон делегацияси аъзолари озарбайжонлик ҳамкасблари билан.

• ЁЗ — ЎТМОҚДА СОЗ

«Билдирсой» да меҳмонда

Ҳозир ёзнинг авжи иссиқ палласи. Ҳар ким ўзича дам олмақда. Биров дам олиш сихатгоҳларида, яна кимдир тоғ бағридаги оромгоҳларда. Айниқса, ўқишдан таътилга чиққан болажонлар мароқли ва мазмунли дам олишга ошқмоқдалар.

Болажонларга ҳар томонлама қўмакчи бўлиб, ҳамкорликда иш юритаётган «камолот»чилар ҳам уларнинг янада мароқли дам олишлари йўлида қатор тадбирларни ўтказиб келмоқдалар.

Кунини кеча Мирзо Улуғбек тумани «Камолот» ЁИХи аъзолари «Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссдорлик жамиятига қарашли шаҳардан ташқаридаги «Билдирсой» соғломлаштириш оромгоҳида меҳмонда бўлдилар.

— Оромгоҳда ўқув-семинар тренингини ўтказдик, — дейди бу ҳақда «Камолот» сардори Ойбек Усмонов. — Футбол, стол тенниси, қувноқ спортлар, сузиш, волейбол, баскетбол бўйича таъсилот қолдирди. 7 ёшдан 17 ёшгача болалар иштирок этган мусобақаларда оромгоҳдаги ҳар бир гуруҳдан 3 нафардан болалар қатнашдилар.

300 дан ортиқ болажонлар, «Камолот» раислари ва сардорлари қатнашган ушбу «Сен-мен» биз» деб номланган ўқув тренингини натижалари барчани мамнун этди. Тадбирда иштирок этган ота-оналар «камолот»чиларга ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

Мусобақа ғолиблари қимматбаҳо эсдалик совғалари ва Фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар. Кейинги «Камолот — бу биз» деб номланган ўқув тренингини ҳам шу ерда ўтказишга келишиб олинди.

Шаҳноза МАҲМУДОВА

• МУСОБАҚАЛАР

Таассуротларга бой бўлди

Ёшларнинг ёзги таътил даврида мароқли дам олишлари, бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари, соғлиқларини мустаҳкамлаш ва фойдали фаолиятларини уюшқоқлик билан ташкил этиш, ёшлар ўртасида спортнинг миллий ва оммабоп турларини ривожлантириш мақсадида шаҳримизнинг бошқа туманлари каби Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги, туман «Камолот» ЁИХ Кенгаши, туман болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликда спорт мусобақаларини ташкил этмоқда.

Кунини кеча туманда кўчма оммавий спорт ўйинлари тадбирининг навбатдаги босқичи бўлиб ўтди. Тадбир шу тумандаги «Гулистон» маҳалласида жойлашган мактаб стадионидан ташкил этилди. Унда 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган, Йулдош Охунбоев, Ш. Бурҳонов, «Гулзор», «Гулистон»

маҳалласида истиқомат қилувчи болалар қатнашдилар. Кўчма спорт ўйинларида баскетбол, волейбол, футбол, шахмат-шашка, қувноқ спортлар бўйича мусобақалар ўтказилди.

Қизиқарли ўйинларга бой бўлган ушбу мусобақада баскетбол бўйича Й. Охунбоев маҳал-

ласи 1-ўринни, Ш. Бурҳонов маҳалласи 2-ўринни эгаллади. Волейбол бўйича эса «Гулзор» маҳалласига биринчи ўрин, Ш. Бурҳонов маҳалласига 2-ўрин насиб этди.

Футбол мусобақаси бўйича эса «Гулистон» маҳалласи 1-ўринни, «Гулзор» маҳалласи 2-ўринни, Й. Охунбоев маҳалласи 3-ўринни эгаллади.

Қолган спорт турлари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди ва барча ғолиблар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман бўлими томонидан эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

Садриддин АЗИЗОВ

Шурфа олам

БАНАН ШОХЧАЛАРИДАН ҚОҒОЗ

Мисрдаги илмий тадқиқот марказининг целлюлоза ва қоғоз бўлим бошлиғи, фан доктори Улфат Ёсин Мансур хоним бошлиқ бир гуруҳ ходимлар банан даракти ёнларидан ўсиб чиқадиган ўсимта шохчалардан қоғоз ишлаб чиқаришга муваффақ бўлдилар.

Улфат хонимнинг таъкидлашича, улар яратган махсус мослама кесиб олинган банан шохларини пишириш, унга босим ва куйи ҳарорат орқали ишлов беришга хизмат қилди. Натижада бир ярим тонна банан шохчаларидан ойига уч-тўрт тонна оқ қоғоз хаамири ишлаб чиқариш мумкин бўлди. Бу қоғоз нави ўзининг майинлиги ва таркибида целлюлоза миқдори кўплиги билан бошқа қоғозлардан фарқ қилади.

Бу борада беш ой давомида олиб борилган тажрибалар бир тонна бундай қоғознинг таннархи тахминан 1000 Миср жаннаҳини ташкил этиши, яъни у 250 доллар атрофида бўлишини кўрсатди. Демак у четдан келтириладиган ва тоннаси 1200 долларга тушаётган қоғоздан 4-5 марта арзон бўлар экан.

ШИРИН ЖЎХОРИ АСАЛИНИ ЕГАНМИСИЗ?

Мисрдаги қанд маҳсулотлари илмий-техник институтининг илмий ходимлари «Олтин асал» номи билан машхур ширин жўхоридан олинадиган янги асал навини sanoat усулида ишлаб чиқаришга эришдилар.

Мазкур институт агротехник тавсиялар ишлаб чиқариш илмий институти билан олиб борган тадқиқотлар ширин жўхори асали мазаси жиҳатидан истеъмолчилар томонидан яхши кутиб олингани, унинг таркиби, ёпишқоқлиги, хушбўйлиги шакар қамишдан олинадиган «Қора асал»га жуда-жуда ўхшаш эканлигини кўрсатди. Демак бора-бора ширин жўхорининг «Олтин асал»и, шакарқамишнинг «Қора асал»и ўрнини тўла қоплаши мумкин. Натижада ортирилган шакарқамишдан оқ қанд сингари маҳсулотлар, ширин жўхори сўтаси ва чиқиндиларидан эса қоғоз ишлаб чиқариш sanoatида фойдаланиш мумкин бўлади. Ўсимликни қолган қолдиқлари молларга ем-хашак сифатида асқотади. Ширин жўхори сувсиз ҳамда шўр тупроқли ариқ ерларга ёзги дон маҳсулоти сифатида экилаверади. Ҳозирда қанд лавлаги, шакарқамиш қаторида жўхоридан ҳам оқ қанд ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Атроф-муҳитни асрайлик

Бундан икки-уч минг йиллар илгари ота-боболаримиз пойтахт Тошкентни кенгайтириш, уни обод, яшил шаҳарга айлантириш учун режалар тузиб, ҳашар йўли билан ариқ-каналлар қазилганлар.

Шаҳар ўртасидан Бўзсув канал — ариғи қазилиб, сув йўли табиий жарликлар орқали Сирдарёга йўналтирилган. Шу боисдан бўлса керак, жарликлардан тез оққан сувга «Бўз» (шўх сув) номи берилган. Натижада қадимий Шош яшил шаҳарга айлана борган.

Энди ҳозирги Тошкент ҳақида икки оғиз сўз. Қадимдан шаҳар ўртасидан Бўзсув ва унинг ирмоқлари оқиб ўтган. Бирок, даврлар ўтиши билан сув йўли жуда чуқур жарликларга айланиб кетганидан шаҳарни сув билан таъминлаш оғирлашиб қолган. Шу боис Бўзсувдан учта катта канал — ариқ қаздирилган. Бу каналлар — Салор, Кайковус, Зол ариқларидир. Аммо, ариқлар нима сабабдан Эрон шоҳи лашкарбошиси, баҳодирлари номи билан аталиши ҳозиргача маълум эмас. Балким Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарининг таъсиридир.

Салор — Бўзсувнинг чап соҳилидан бошланиб, қадимги Бинкент харобаси Мингўрик, Чоштела каби шаҳарчалар ёнидан ўтган. У бир неча бор сув етишмаслиги туфайли қайта қазилиб, кенгайтирилиб, Шўралисойгача давом эттирилган.

Кайковус — Эски шаҳар шимолидан ўтган бўлиб, Қорақамиш жарлигига қуйилган. Шаҳар IX асрда ана шу канал туфайли кенгайиб, жуда обод бўла бошлади, атрофда талай боғлар барпо этилиб, тўкинчилик юзага келади.

Зол ариғи — Бўзсувнинг ўнг соҳилидан бошланган бўлиб, шаҳарнинг Қозғистон билан чегарадош худудидан оқиб ўтади. Бу канал X-XI асрларда шаҳар атрофидаги кишлоқларни сув билан етарли таъминлаш мақсадида кенгайтирилган.

Мухтарам газетхон! Биз бу оқар сувлар тарихини бекорга келтирмадик. Ота-боболаримиз минг йиллаб, юз йиллаб шаҳримиз сув йўллариини барпо этганлар, булар осонликча пайдо бўлмаган. Шу боис улар оқар сувни худди нон-туздек ёзғозлашган, ариқлар атрофларини озода тутишиб, сувнинг булғанишига, бехуда исроф бўлишига йўл қўймаганлар. Бу улкан уч сув йўлларидан шаҳардаги барча маҳалларга, катта хонадонларга кичик ариқлар қазилиб, оқар сувни авайлаб истеъмол қилганлар.

Бирок, ҳозирги кунда шаҳримиз оқар сувларининг аҳолини кўриб, ачини кетасан. Майда-чуйда ариқларни қўйиб, йирик сув йўлларидаги ахволга бир назар ташлайлик.

Салор канали сувининг афти-ангорини кўринг, мутлақо ичимлик сувига

ўхшамайди. Кейинги вақтда бу сув йўналишининг I-Тошкент тиббиёт институти яқинидаги йўли қайта таъмирланиб, ариқнинг аҳоли яхшиланди. Аммо, Шимолий вокзалдан у ёғидаги оқаётган сувга қараб, кўзларингиз ёшлиниб кетади. Йўл-йўлакай кузатсангиз, sanoat корхоналари ва хонадонлардан киши билмас қилиб, чиқариб қўйилган оқавалар sanoatига етмайсиз. Булар ҳам етмаганидек, «Ўзгариш» мавзеи яқинида, яъни «Дўстлик» кафеси орқасида ҳар кун Салорга 10-15 машина чиқинди-ахлатларни майдалаб, оқизадиган жой пайдо бўлган. Чиқиндилар кўп солинавганидан каналнинг ўнг қирғоғида кичик ярим орол бўнадга келган. Гўё бу чиқинди ташлама ким-

ларга бир кунлик ижарага берадилар. Хонадон соҳибларидан ташқари ижарачилар ҳам сувга истаган нарсаларни улуктирадилар, мағзава-ю ювиндилар деярли ҳар кун тўқилаверади.

Чирчиқ дарёси шаҳар чеккасидадан ўтишига қарамай, турли хил чиқиндиларга тўлиб-тошган. Булар ҳам етмагандек, «Қўйлик дехқон бозори»нинг дарёга туташган жойига деярли ҳар кун 10-15 темир аравачада балчиқлар тўқилади. Бектемир туман санитария эпидемиология назорати хизмати мутасаддилари бозор озодлигига эътибор беришади-ю дарё суви булғаниши билан қизикмайдилар.

Булар уммондан бир томчи гаплар, агар яхшилаб, тегишли мутахассислар томонидан эринмай текширилса шаҳримиздаги йирик оқар сувлар нега аёвсиз булғанаётганини яна ҳам ойнадек равшан бўларди. Ахир, Бош Қомусимиз бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида «Фуқаролар атроф-табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдилар», деб кўрсатилиши мамлакатимизнинг барча кишиларига катта масъулият юқлайди. Қизиғи шундаки, сувни ўйламай-нетмай булғатувчилар ўзларидан нарида кишлоқ аҳллари уни боғларга, сабзавот экинлари ва чорваларга беришлари ҳатто, айрим жойларда истеъмол қилишларига эътибор бермаётдилар. Яна Қомусимизга мурожаат қилсак, 55-моддада «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир», дейилган. Наҳотки, қонунимизга сув булғатувчилар амал қилмайдилар? Атроф-муҳитни муҳофаза қилувчи ташкилотлар ва шаҳар ҳамда вилоят санитария эпидемиология идоралари қаёққа қарашаяпти, ўзи?

Биргина Шайхонтоҳур туманини олсак, ичимлик, оқар сув деган кутлуг неъматдан фойдаланиш ачинарли ахволда. Бу туман худудидан Оқтепа, Анҳор, Бўзсув каналлари; Чўқурқўприк ва Заҳ ариқлари оқиб ўтади. Улар йўлига икки мартаба табиятнинг муҳофаза қилиш идоралари томонидан назорат қилинади, аммо, назорат ўтказилгани, ўтказилди, қабилида бўлади, холос. Шунингдек, Тошкент Ҳалқа йўлининг Сергели туманидаги Қўйлик мавзеи, Акмал Иқромов тумани худудларидан кўча чеккасидаги катта ариқлардан сув олиб, ўткинчи энгил автомашиналарни қўйиб, пул топувчилар кўпайган. Улар чайинди сувларини яна ўша ариқнинг ўзига ағдардилар... Қисқиси, шаҳримиздаги сувбулғатарларга нисбатан кескин чоралар кўрма-сак, бу ачинарли ҳол яна ҳам баттар кучайиб давом этиши турган гап.

Олий КЎЧҚОРБЕКОВ

ОҚАР СУВЛАР МУСАФФО БЎЛСИН



ларнингдир рухсати билан қурилганми. Сувнинг Чоштелагача бўлган аҳоли эса яна ҳам ачинарли. Сув йўли бир неча йилдан бери тозаланмаган, икки соҳили томонида пайдо бўлган лойқаларда қамишлар ўсиб чиқиб, атрофдан тушаётган оқаваларни берки-тиб туради. «Ўзгариш» яқинидаги «Соҳи» кафеси Салор ёнига қурилган, ундан чиқадиган ювиндилар ва бошқа чиқиндилар бемалол оқизилаверади. Сал нарида 4-автокорхона ва ундан наридаги ошхоналару савдо шохобчаларига сира ҳам ахлат ташийш машиналари чақиртирилмайди. Нега деганда тайёр ёнларида Салор ариғи турибди-да!

Энди Кайковус ариғи аҳолига келсак, бу ариқнинг Тахтапўл мавзесидан то Ҳазрати имом ва Чигатойгача бўлган қирғоқларида зич жойлашган хонадонларнинг ҳар бирини киши кўзи илғамайдиган ингичка қувурлардан оқавалар тинимсиз тушиб туради: мағзава, ювинди, ҳатто кўринмас ахлатларгача бор.

Зол ариғи каналининг Қибрайдан бошланган жойларининг то Гиштқўприккача бўлган чап соҳилининг барчасида сув ўртасигача етадиган темир сўрилар мавжуд. Бу сўриларни хонадон соҳиблари шаҳардан дам олиш учун чиққан тўда-тўда уфаларга, оила-

Миниатюрада лирик оҳанглар

Пойтахтдаги Замонавий санъат марказида «Миниатюрада лирик оҳанглар» бадиий кўргазмаси намойиш этилмоқда.

Марказий Осиё миниатюраси мусулмон халқлари санъатининг кўп асрлик тарихига эга. Санъатнинг мазкур йўналиши китоб безакчилиги ҳамда мумтоз шарқ шеърини таъсирида камол топди. Миниатюра санъати ўзбек халқи маданияти ҳазинасида салмоқли ўрин тутаяди. Ўрта аср китоб миниатюраси XX аср охирида Ўзбекистон докли миниатюраси заминидан қайта тикланди.

Лирик оҳанглар кўп йиллар давомида, миниатюра йўналишида ижод қиладиган рассомларнинг се-

вимли мавзуга айланиб борди. Мазкур кўргазмада мусаввирлар Ш.Шоахмедов, Б.Низомқориев, Қ.Исроилов, М.Ёқубжонов ва З.Ҳақимовларнинг ижодида мансуб юздан ортиқ кутча, қоғоз, мато, чарм ва газламага ишланган нафис миниатюра асарлари намойиш этилмоқда.

Кўргазмадан ўрин олган миниатюрачилар Ш.Мухаммадҷонов, Н.Холматов, Ф.Камолов, Т.Болтабоев ва бошқаларнинг шарқ шеърини, хусусан, Алишер Навоий газаллари ҳамда «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» достонларига ишланган адабий сюжетлар ўзининг жозибадорлиги билан диққатни тортади.

«Туркистон-пресс»

ТАДБИРЛАР

Яқинда Обод маҳалла йили муносабати билан «Тошмаргё» хиссадорлик жамиятида «Ватанпарварлик — олий саодат» ва «Огоҳликка даъват» мавзуларида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ушбу тадбир «Маънавият ва маърифат» марказининг Ҳамза тумани бўлими томонидан уюштирилди.

ВАТАНПАРВАРЛИК — ОЛИЙ САОДАТ

Мазкур тадбирда юртимиз тинчлиги, фаровонлиги, ободлиги йўлида қилинаётган ишлар ҳақида гапирилди. Жумладан, «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Илҳами Турсунова: — «Юрт тинчлиги — асосий бойлиқдир» мавзусида сўзга чиқиб маҳалларда тинчликни сақлаш, кўчаларни обод этишда қилинаётган ишлар келажакда ўз самарасини бериши таъкидлаб ўтди.

Бу каби тинчлик, ватанпарварлик, огоҳлик масалаларига бағишланган тадбирлар, давра суҳбатлари шаҳримизнинг бошқа туманларида ҳам ўтказилаяпти.

Юлдуз УСМОН

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ, АУКЦИОН!!!

**ХУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОНЛАР
ВА ТАДБИРКОРЛАР**

“РОУТАХТ АУКСИОН” давлат унитар корхонаси 2003 йил 29 августдан 24 октябрга қадар ҳафтанинг ҳар жума кунлари соат 11-00 да Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биносида ким ошди савдоларини ўтказади.

КИМ ОШДИ САВДОЛАРИДА

Тошкент шаҳрининг қуйидаги манзилларида жойлашган савдо, маиший хизмат кўрсатиш, техник хизмат кўрсатиш мажмуалари ва бошқа биноларни куриш учун мўлжалланган ер участкаларининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи сотилади:

| Т/Р | Ер участкасининг жойлашган манзили | Курилиш қўзда тутилган нишбоот | Ер участкаларининг сатҳи, га | Ким ошди савдоларининг бошланғич нархи (сўм) |
|-----|---|---|------------------------------|--|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 1 | А.Икромов т-ни, Лутфий кўч. | Савдо дўкони | 0,04 | 4 977 900 |
| 2 | А.Икромов т-ни, ТХИ, техникавий қарилорда | Савдо маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси | 0,06 | 3 628 800 |
| 3 | А.Икромов т-ни, Шайхзода кўч. | Интернет-кафе | 0,019 | 3 186 032 |
| 4 | М. Улуғбек т-ни, Х. Абдуллаев кўч. | Дўкон | 0,025 | 5 122 675 |
| 5 | М. Улуғбек т-ни, Х. Абдуллаев ва Раҳматуллин кўч. | Дўкон | 0,024 | 4 992 012 |
| 6 | Миробод т-ни, “Қўйлик-3” мавзеси. | Қаҳвахона | 0,02 | 3 432 300 |
| 7 | Миробод т-ни, Бектєрев кўч. | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси | 0,045 | 3 891 000 |
| 8 | Миробод т-ни, Тошхўжаев кўч. | Минимаркет | 0,02 | 2 561 600 |
| 9 | Миробод т-ни, У. Олимбеков кўч. | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси | 0,04 | 3 509 200 |
| 10 | С. Раҳимов т-ни, Зиёмов ва Сағбон кўч, бурчагида | Қаҳвахона | 0,024 | 2 962 224 |
| 11 | С. Раҳимов т-ни, Зиёмов ва Сағбон кўч, бурчагида (4та) 1,2,3,4 сон ер участкалари | Савдо мажмуаси | 0,0144 | 2 525 477 |
| 12 | С. Раҳимов т-ни, Камаринсо кўч. | Нон дўкони | 0,01 | 3 138 600 |
| 13 | С. Раҳимов т-ни, Нигезов кўч. (3та) 4-6 сон ер уч. | Савдо расталари | 0,0144 | 2 487 171 |
| 14 | Сергели т-ни, “Сергели-5” мавзеси, Г. 40,0м кўч. (10 та) ер уч. | Маданий-маиший ва савдо мажмуаси | 0,03 | 3 346 200 |
| 15 | Сергели т-ни, “Қўйлик-5” мавзеси, Ким-Пен-Хва кўч. | Савдо, умумий оқватланиш ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси | 0,03 | 3 028 800 |
| 16 | Сергели т-ни, Чошета кўч. (8 та) ер уч. | Хунарманлар растаси | 0,009 | 1 499 265 |
| 17 | Сергели т-ни, “Сергели” даҳаси, мавзе, Сергели кўч. | Кафе-ресторан | 0,03 | 3 411 000 |
| 18 | Чилонзор т-ни, Қатортол кўч. “П” мавзеси | Ав-га хизмат кўрсатиш мажмуаси | 0, 015 | 50 000 000 |
| 19 | Чилонзор т-ни, “Чилонзор-10” мавзеси, Тахтагул кўч. | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси | 0,024 | 3 349 056 |
| 20 | Чилонзор т-ни, “Чилонзор-19” мавзеси, 2-Қатортол кўч. (2та) ер уч. | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси | 0,012 | 3 374 880 |
| 21 | Чилонзор т-ни, “Чилонзор-19” мавзеси, 2-Қатортол кўч. 1-сон ер уч. | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси | 0,018 | 4 255 320 |
| 22 | Чилонзор т-ни, “Чилонзор-3” мавзеси | Маданий дам олиш мажмуаси | 0,28 | 20 449 000 |
| 23 | Чилонзор т-ни, Тахтагул кўч. “Чилонзор-10” мавзеси | Умумий савдо ва оқватланиш шохобчаси | 0,04 | 3 540 720 |
| 24 | Шайхонтоҳур т-ни, “Жар-ариқ” кўчаси (8 та) ер уч. | Савдо растаси | 0,0216 | 3 699 687 |
| 25 | Шайхонтоҳур т-ни, “Жар-ариқ” мавзеси (2 та) ер уч. | Савдо растаси | 0,0108 | 2 495 444 |
| 26 | Шайхонтоҳур т-ни, Лойиҳада Г-34,0 м кўч. | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси | 0,06 | 20 679 000 |
| 27 | Шайхонтоҳур т-ни, Уйғур кўч. | Маиший хизмат кўрсатиш уйи | 0,016 | 3 483 656 |
| 28 | Шайхонтоҳур т-ни, Улуғбек кўч. | Ав-га техник хизмат кўрсатиш мажмуаси ва автосалон куриш | 0,08 | 9 455 000 |
| 29 | Юнусобод т-ни, Т. Зоҳидов кўч. | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси | 0,02 | 2 942 240 |
| 30 | Юнусобод т-ни, “Хасанбой” мавзе, Тикланиш кўч. | Дўкон | 0,03 | 2 506 470 |
| 31 | Юнусобод т-ни, “Юнусобод-15” мавзеси, Т. Зоҳидов кўч. | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси | 0,03 | 3 984 420 |
| 32 | Юнусобод т-ни, Чимкент катта йўлида | Ателье ва дўкон | 0,03 | 3 921 540 |
| 33 | Юнусобод т-ни, Юнусобод-14 мавзеси В. Висоикий кўч. | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси | 0,08 | 14 134 140 |
| 34 | Юнусобод т-ни, Юнусобод-18 мавзеси, В. Висоикий кўч. (5 та) | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси | 0,03 | 4 857 000 |
| 35 | Юнусобод т-ни, Юнусобод-19 мавзеси, В. Висоикий кўч. (5 та) | Савдо дўкони | 0,04 | 5 790 800 |

Ер участкаларининг узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқининг бошланғич нархларига ер участкасининг лойиҳалаш учун керакли дастлабки ҳужжатлари тўпلامини тайёрлаш харажатлари қўшилган. Ҳужжатлар тўпلامига қуйидагилар кирради:

1. Ер участкасининг чегараси;
2. Меъморий-лойиҳа вазифалари АПЗ-1, АПЗ-11;
3. Топографик суратга олиш, масштаб 1:500;
4. Муҳандислик-геологик ҳулоса;
5. Шаҳарсозлик талаблари ва куриладиган бино эскизи.

Савдоларда юридик ва жисмоний шахслар қатнашишлари мумкин. Аризалар қабул қилиш ким ошди савдоси бошланишига бир кун қолганда соат 18-00 да тўхтатилади. Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич нархининг 5 фоизи миқдорига гаров пули тўлашлари шарт. Ер участкаси бўйича узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқини сотиш шартномаси савдо ўтказилган куни тузилади.

Ким ошди савдосида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан танишиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-а уй, 204-хона. Телефон: 133-23-40, 133-02-49

ШОШИЛИНГ, КАТТА АУКЦИОН!

Тошкент шаҳар ҳоқимияти, Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси савдо ташкилотчиси «РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонаси 2003 йил 2 сентябрдан 30 октябргача соат 11-00 да ким ошди савдоларини ўтказади.

Ким ошди савдоларида «Паркент бозори» ва «Авиасозлар бозори» очиқ турдаги акция-дорлик жамиятлари худудида жойлашган қуйидаги турғун савдо объектларини куриш ҳуқуқи сотилмоқда:

1. «Паркент бозори» ОАЖ
- Ким ошди савдолари 2003 йилнинг 2,9,16,23,30 сентябрь ва 7,14,21,28 октябр кунлари соат 11-00 да ўтказилади.

| Умумий савдога чиқарилаётган объектлар сони | Курилишга мўлжалланган мажмуа тури | Ўлчами (кв.м.) | Бошланғич нархи (сўм) |
|---|------------------------------------|----------------|-----------------------|
| 256 та | буом бозори | 3x3 (9 кв.м.) | 2 000 000 |
| 143 та | курилиш моллари | 3x3 (9 кв.м.) | 2 000 000 |
| 70 та | курилиш моллари | 3x4 (12 кв.м.) | 3 000 000 |
| 60 та | курилиш моллари | 6x6 (36 кв.м.) | 3 500 000 |
| 13 та | гўшт дўкони | 3x3 (9 кв.м.) | 1 000 000 |
| 14 та | умумий оқватланиш | 6x8 (48 кв.м.) | 5 000 000 |

1. «Авиасозлар бозори» ОАЖ
- Ким ошди савдолари 2003 йилнинг 4,11,18,25 сентябрь ва 2,9,16,23,30 октябр кунлари соат 11-00 да ўтказилади.

| Умумий савдога чиқарилаётган объектлар сони | Курилишга мўлжалланган мажмуа тури | Ўлчами (кв.м.) | Бошланғич нархи, (сўм) |
|---|------------------------------------|----------------|------------------------|
| 190 та | буом бозори | 3x3 (9 кв.м.) | 2 000 000 |

Савдоларда юридик ва жисмоний шахслар қатнашишлари мумкин. Аризалар қабул қилиш ким ошди савдоси бошланишига бир кун қолганда соат 18-00 да тўхтатилади. Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич нархининг 5 фоизи миқдорига гаров пули тўлашлари шарт.

Ким ошди савдолари «Паркент» ва «Авиасозлар» бозорлари худудида ўтказилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан танишиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй, 204-хона. Телефон: 133-23-40, 133-02-49.

Тошкент «Сувсоз» трести шаҳар ичимлик ва оқава сувлари бошқармалари бўлинмаларига иш стаж

5 йилдан кам бўлмаган, ичимлик-оқава сув ҳўжалиқларидан фойдаланиш бўйича иш тажрибасига

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Тақлифлар билан қуйидаги манзил: Миробод тумани, Чехов кўчаси, 2-уй, II-қават (тел: 152-19-72)да жойлашган «Сувсоз» трести давлат унитар корхонаси кадрлар бўлимига мурожаат қилинг.

«Сувсоз» трести давлат унитар корхонаси маъмурияти

Қиррай туманидаги 2-урта мактаб томонидан 1987 йили Азизова Ширин Тўлагановна номига берилган № 414219 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 12
ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН**

**«Тошкент оқишоми»
ва «Вечерний Ташкент»**

газеталари таҳририятлари корхона, ташкилот, компания, қўшма корхоналардан байрам табрикларини чоп этиш учун тақлифларни қабул қилади. Буюртмалар шу йилнинг 25 августигача қабул қилинади.

Телефонлар: 133-28-95, 136-55-83.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб домо бўлар...

● Хушфел одам доимо роҳатда бўлади, уйкусида ҳам қўрқмайди. Чунки инсон бедорликда нимани одат қилган бўлса, уйкусида ҳам ўшани кўради.

● Ота-онангга қандай муомала қилган бўлсанг, фарзандларингдан ўша муомалани кут.

● Таъмагир бўлмаслик зарурки, балоларнинг хилма-хили ана шу таъмагирлик сабабли юз беради. Одам арзимас нарсаларга ҳам жаҳлини чиқарвермаслиги керакки, кишига жаҳдан ҳам кучирок душман йўқ. Чунки жаҳли чиққан одам ўзини билмайди.

● Ҳинд ҳақими айтиди: сабру чидамли одам пушаймонлик тортмайди: кам қийналган одам кам роҳат топади. Уялиш ёшларга чирой, кексаларга айб. Ботирлик аскарларга чирой, ўғриларга эса айб. Уч тоифа одамни кўрмай туриб кам севиш мумкин: олимни, саҳийни ва одил кишини.

● Анушервон Бурургмеҳрдан сўради:

— Бахтли одам ким?
— Уч нарсани уч нарса билан безаган, яъни фикрини тўғрилиқ билан, сўзни ростлик билан, феълни саховат билан, — деди у.

Яна сўради:
— Номуносиб дўстандан қандай қутулса бўлади?

— Зиёратига бормаслик ва нарса сўрамаслик билан, — деди у.

Яна сўради:
— Покиза инсонлардан қандай узр сўралади?

— Хожатини раво қилиш билан.

Яна сўради.
— Яширин сирлар қачон ошкор бўлади?

— Мастликда.
У сўрашда давом этди:
— Кўришдан кўзга қувват ва нур ҳосил қиладиган нима?

— Вафодор хотин ва қобул фарзандлар, — деди у.

Яна сўради:
— Жондан ҳам ширин нарса нима?

— Беғараз дўст суҳбати, — деди у.

— Аччиқ бўлса-да, ўта ширин нима?

— Кучли ғазабни ичга ютиш, — деди у.

Байт:
Дунёда қолдим
кўрмаган нарсам,
Кўрдим деб гердайам,
не кўрибсан кам,
Бир одам қалбини овлай
олдингми?

Инсон қалбидан
борми кенг олам?!

● Ҳудуддан бошқани билмайдиганлар мислсиз фазилатлар ахтардилар.

● Барча мактанчоқларнинг бирдан бир қисмати шуки, улар эртани-кечни, ҳар қалай панд ейишади.

● Баъзи кишилар ўзларининг кучи ва қудрати ётмаган нарсага беҳуда интиладилар. Бу ишининг уддасидан чиқишга имконлари бўлмаган, обрўни кетгазмаслик учун қўлларини силтаб: «Бўлмаган нарса ҳеч фойдасиз, бўлганидан бўлмагани яхши, қони зиён», деб уни ёмонлаш пайида бўладилар.

• ФУТБОЛ

«ПАХТАКОР — 79»
ХОТИРА ТУРНИРИ

Футбол мухлислари 1979 йил 11 августни ички бир армон билан эслайдилар. Миллионлаб ишқибозлар орадан 24 йил ўтган бўлса ҳам авиалоқат туфайли ҳаётдан кўз юмган «Пахтакор-79»нинг мард ўғлонларини соғиниб яшайдилар.

Республикада халқ қалбидан муштаҳкам ўрин олган, чиройли ва бетакор ўйинлари билан тарих саҳифаларига номларини ёзиб кетган пахтакорчилар хотирасига бағишланган футбол турнирларини ўтказиш аънаъга айланиб қолган.

Жумладан, куни кеча Яккасарой туманидаги «Тўқимачи» стадионида 9-10 ёшли болалар ўртасида «Пахтакор-79» хотирасига бағишланган футбол турнири бўлиб ўтди. Юқори кўтаринкилик, катта ҳаяжон билан ўтган ушбу мусобақада шахримизнинг 11 та туманидан 12 та жамоа, 150 га яқин футболчи ўсмирлар иштирок этишди.

Республика футбол федерацияси бўлим бошлиғи Ш.Усмонов, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси А.Толибжонов, Яккасарой туман ҳокими ўринбосари Р.Иноғомов, «Пахтакор» жамоасининг собиқ мураббийи И.Тазетдиновнинг умр йўлдоши А.Тазетдиновалар сўзга чиқиб, миллионлар қалбини забт этган спортнинг футбол турини танлаган ёшларга омад ва зафарлар тилаб, келгусида энг моҳир, шиддатли ҳужумчи ва ҳимоячилар қаторидан ўзини олишларига тилак билдирдилар.

Болалар тўрттадан жамоага бўлиниб чиройли ўйин кўрсатишган мусобақада голиб ва мағлублар бўлмади, балки улар ўтмишда бир-бирини тушуниб, фикр алмашиб, чиройли ўйинлар кўрсатган акаларини хотирлаб майдонда тўп сурдилар. Футбол мусобақаларидан сўнг арқон тортиш каби спортнинг 4 хил тури бўйича қизиқарли эстафетали ўйинлар бўлиб ўтди. Тўпни оёқда энг узоқ ўйнайтиб тутиб турган ёш футболчилар эсдалик сўгалари билан тақдирландилар.

— Бугунги «Пахтакор-79» хотира турнирини ўтказишдан мақсад, — дейди Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси Аскар Толибжонов, — аввало ўзбек халқи хотирасида абадий қолган «Пахтакор» жамоасини хотирлаш, болалар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, спортга бўлган қизиқишини янада орттириш, ўқувчи-ёшларнинг ёзги таътил кунларида бўш вақтларини тўри тақсимлашга қаратилган. Шу ўринда мен турнирни шундай кўтаринки руҳда ва қизиқарли тарзда ўтказишда ҳар томонлама ёрдам берган, спорт комплексида барча қулайлик, шарт-шароитларни яратиб берган Яккасарой туман ҳокимлигига миннатдорчилик билдирмоқчи эдим.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими, Республика футбол федерацияси ҳамкорлигида ўтказилган, спорт фахрийлари, туман маҳаллалари фаоллари, ота-оналар иштирок этган «Пахтакор-79» хотира турнири иштирокчилар қалбидан узоқ вақт сақланиб қолиши шубҳасиздир.

Шоира МУХАМЕДОВА
Садриддин АЗИЗОВ.

СУРАТЛАРДА: «Тўқимачи» стадионида 9-10 ёшли болалар ўртасида ўтказилган «Пахтакор-79» хотира турниридан лавҳалар.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



Билиб қўйган яхши

САБЗАВОТЛАР ИНСОН
ФЕЪЛИНИ АНИҚЛАЙДИ

Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз. Инсоннинг табиат ва ноз-неъматларга бўлган муносибати, уларни истеъмол қилишига қараб киши характери ни руҳшунос олимлар аниқлаши мумкин экан.

АҚШнинг кўзга кўринган руҳшунос олими Иолин Канн инсон руҳининг бошқа томонларини ўрганишга умрини бағишлаган ягона олимидир. Унинг ресторани ва ошоналарда уйига келган меҳмонларни турли сабзавотлардан қилинган таомлар, салатлар билан сийлаб, уларнинг нафрат ташқи дунёси, ҳатто ички дунёси, феъл-атворларини ҳам узоқ йиллар кузатишлари натижалари ўлароқ қўйидаги хулосаларга келган. Чунотки, помидорни кўпроқ хуш кўрганлар ўз хаётичи сермазмун ўтказадиган инсонлар бўлишган.

Кўпроқ баклажонли таомларни хуш кўрувчилар эса албатта ўз мақсадига эришадиган шахслардир.

Булғор қалампирини хуш кўрадиганлар ҳам кўпинча бир сўзли инсонлар бўлишган. Шолғомни бошқаларга нисбатан кўпроқ хуш кўрадиганлар айтганини қиладиган бир сўзли одамлар бўлишган.

Картошкили таомларни кўпроқ истеъмол қиладиганлар, одатда табиатан оғир, вазмин инсонлар бўлишиб, бошқалардан ажралиб туришган.

Карамининг барча турларидан қилинган таомларни бошқаларга нисбатан кўп истеъмол қиладиганлар бировга қарз бермайдиган, уйлаб иш қиладиган шахслар экан.

Сабзини кўпроқ истеъмол қиладиган ва ундан тайёрланган овқатларни хуш кўрадиганлар ғамгинроқ бўлишган.

Исмалоқдан қилинадиган сомса, чуч-

варани хуш кўрадиганлар хаёлпарастроқ шахслар.

Кўпроқ кўк пёзани хуш кўрувчилар, одатда чукур маънавий фикр юритувчи бўлишган.

Тоғолча, олча, кўксултон каби нордон меваларни бошқаларга нисбатан кўпроқ истеъмол қилувчилар манманроқ бўлишлари кузатишган.

Ертунги гоятда хуш кўрадиганлар, хоннадорларини, асбоб-ускуналарини, қўйинчи, барча нарсаларини саранжом бўлишини исташади. Қулпунайни хуш кўрувчилар — «Улар, одатда нозик дидли, табиатан нозик инсонлар бўлишади.

Олманинг барча хилларини бошқаларга нисбатан кўпроқ истеъмол қиладиганлар ўта тиришқоқ, ишни охирига етказадиган инсонлар эканлиги аниқланган.

Ширинликка ўч одамлар романтик эканлар — оразу-умидлар ҳақида кўпроқ уйлайдилар.

Таомни тез истеъмол қиладиганлар ишчан, полвон, ғайратли бўлишган. Аксинча, секин ейдиганлар ишқемас, дангасадор.

Демак, инсонларнинг қайси сабзавот, мева ва таомларни хуш кўриши қандай ейишига қараб руҳшунос олим Иолин Канн АҚШда узоқ амалий кузатишлар ўтказиб, руҳшунослик илимининг ҳали сирли қирраларини очиб беришга муваффақ бўлган.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ тайёрлади.

• «02»

Иккинчисида қўлга тушди

Ҳалол меҳнат нималигини билмайдиган Т. Мансур ўғрилиқнинг ҳаддисини олган эди.

У Саидалиевнинг ҳовлисига қалит танлаш йўли билан кириб, 35.000 сўмлик ҳўжалик моллари, идиш-товоқлар ва телефон кабелини ўғирлаб кетган. Бу ўлжаларни уйига жойлаштириб у яна «ов» мақсадида чиқиб кетди. Қарабатовнинг ҳовлисига девор орқали ошиб ўтган Т. Мансур у ердан ҳам 19.000 сўмлик ҳўжалик моллари, идиш-товоқлар ва «Киргизия» кир ювиш машинасини «гумдон» қилади. Лекин бу сафар унинг омади чопмади. Милиция ходимлари уни тез орада ушлашди.

Мезбон ухлаб қолди

Р. Аббор ўз таниши Акбаевнинг уйига меҳмон бўлиб борди. Икки ўртоқ «юз-юз» қилишгандан сўнг ўй эгаси ухлагани келаяпти деб дивандан хуррак ота бошлади.

Аввалдан қўли эгри бўлган Р. Аббор дўстининг пинакак кетганлигидан фойдаланиб, 80.000 сўмлик эркаклар никоҳ узуги, 40.000 сўмлик аёллар никоҳ узуги 1.751 АҚШ доллари, 157.000 сўмлик уй-рўзгор буюмлари ва қурилиш асбоб-ускуналарини ўғирлаб кетади. Мезбон уйғонган пайтда меҳмон ҳам, уйдаги буюмлар ҳам йўқ эди. Энди нима қилиш керак? Албатта яна ички ишлар ходимларининг ёрдами лозим. Милиция ходимлари жиянотчини узоққа қочиб улгурмасдан қўлга олишди.

Тошкент шаҳар ИИББ матбуот хизмати материаллари асосида Сарвар СОБИРЛОВ тайёрлади.

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма тибқ офсет усулида
босилади.
4294 нускада босилади. Қоғоз бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума
кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат
матбуот қўмитасида
10-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги
почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамтига» — 133-74-05
телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийт-матбоа акцидорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.